



# ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз миришкор пахтакорлар! Қадри деҳқон ва фермерлар! Сиз, азизларни шу кунларда ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингиз эвазига 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятингизни адо этганингиз билан самимий табриклардан, чин қалбимдан ҳурмат ва эҳтиромимиз билдиришдан бахтиёрман.

Пахта ўстиришининг ўзи ҳар қайси деҳқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мураккаб ва оғир меҳнатни, чуқур билим ва тажрибани, она еримизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кундалик фидойиликни талаб қилишни бутун элимиз, халқимиз яхши билади ва бу йилги мавсумда қўлга киритган зафарларингизни юксак баҳолайди, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Халқимизда, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди, деган теран маъноли ибора бор. Бу йилги мавсум бу фикрни яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда. Бяҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан нисбатан паст бўлгани, чигитнинг униб чиқиши 8-10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда гўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик ва зараркундандалар кўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерларимиз учун жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Жорий мавсумнинг мана шундай ноқулай ва мураккаб келиши қарамасдан, биринчи навбатда кўп йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий агротехникани самарали қўллаганимиз, шулар қаторида ўз вақтида гўзани «шарбат» усулида сугориб, маҳаллий ўғитнинг ортириб берилгани, олим ва мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари туфайли, қандай оғир бўлмасин, ҳосилни сақлаб қолишга эришганимиз, бир сўз билан айтганда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардлиги ва матонатлиги, ташаббускорлиги бу йилги ютуғимизнинг қадр-қимматини янада оширади.

Шу маънода, бугунги юксак хирмонни бунёд этишда ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб, айтиш мумкинки, қаҳрамонона меҳнат қилган фермер ва деҳқонларимизга ўз номиндан, бутун халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этиб, уларга таҳсин ва тасаннуф билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар, мухтарам юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, юртимиз далаларида етиштирилаётган ҳосилнинг, хусусан, пахта хомашёсининг тақдирини биринчи нав-

батда ер унумдорлигига бевосита боғлиқ. Аини вақтда деҳқончиликда ҳар қайси экин майдони, ҳар қандай тупроқ унумдорлигининг ҳам чегараси борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис бarchамизни боқадиган она заминимизнинг келажакини ўйлаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилган давлат дастури доирасида амалга оширган улкан ишларимиз қишлоқ хўжалигида қандай катта бурилиш ясаганини бугун кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Утган 6 йил давомида мамлакатимиз бўйича 1 триллион 300 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 миллион 750 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Фақатгина кейинги икки йилда пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 26,5 центнерга ошгани ана шундай кенг кўламли ишларимизнинг муҳим натижаси бўлди, десак, янглишмаган бўла-

Охириги йилларда мамлакатимизда янги гўза навларини яратиш, селекционер олимларимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан орტიқ янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, эътироф этишимиз керакки, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ҳар қайси вилоят ва туман учун мос келадиган, серхосил, юқори сифатли тала берадиган, эртапайил гўза навларини чиқариш ва районлаштираш энг долзарб, ечимини барча деҳқонларимиз орзиқиб кутаётган муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу муҳим масалани ҳал этиш аввало мутасадди олимлар, селекция соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг асосий вазифаси эканини яхши биламиз ва улардан бундай гўза навларини тезроқ яратишларини кутамиз.

Бу йилги мавсум давомида биз дуч келган мураккаб синов ва қийинчиликни бартараф этишда интенсив агротехнологиялардан оқилона фойдаланиб, гўза қатор оралари ҳар йилгидан 4-5 марта кўп, ўртача 12 мартадан зиёд сифатли култивация қилингани, гектарига 5 тоннадан, жами 13 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Бугун бarchамизга аён — биз қўлга киритаётган ютуқ ва марраларнинг асосий гарови ва ҳал қилувчи кучи бўлмиш фермерлик ҳаракатининг олдида турган муаммоларни ечиш, унинг қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оши-

риш, қишлоқ ҳаётидаги родини кучайтириш бўйича олиб бораётган ишларимиз аввало бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишда, етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочини кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишда мустаҳкам замин туғдирди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бунинг яққол тасдиғини республикамиз пахта хирмонининг қарийб 90 фоизи юқори сортларга топширилгани ҳам исботлаб беради.

Нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида эришаётган марраларимиз, авваламбор, халқимизга хос меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат каби фазилатларда, ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб, уларнинг ўз ерига эгалик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти ортиб бораётганида намоен бўлмоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Мана шу қувончли айёмда ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Элликқалъа, Олтинқўл, Пахтаобод, Балкичи, Пешку, Олот, Муборак, Яккабоғ, Қизилтепа, Навбахор, Наманган, Нарпай, Қумқўрғон, Бешарик, Қува, Гурлан, Хонқа, Хива туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани қисқа фурсатда, 20-25 кунда бажариб, кўпчиликка ўрнатилган намуна бўлгани таҳсинга лойиқдир.

Бухоро туманидаги «Ислом Нарзибод», Жондор туманидаги «Жонибек Фарҳод», Арнасоҳ туманидаги «Санзор», Дўстлик туманидаги «Эшнӣз бобо», Миришкор туманидаги «Камалак», Шахрисабз туманидаги «Умида она ўғли», Навбахор туманидаги «Арсон бобо», Қармана туманидаги «Авез бобо», Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шухрат», Қумқўрғон туманидаги «Мунчоктепа истиқболи», Бекобод туманидаги «Комилжон», Ҳазорасп туманидаги «Ғофур Рухия», Хонқа туманидаги «Мадир Хонқа» сингари ҳосилдорликни гектаридан 45-52 центнерга етказиб, юксак натижаларга эришган илғор фермер хўжалиқларига самимий ташаккур бўлиб қоларман.

Шулар қаторида фидокорона меҳнат қилиб, катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган фермер ва деҳқонларимизга, Вата-

нимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга «Балли сизга, азизларим!» деб, уларни чин қалбдан табриклаш менга катта хурсандчилик бағишлайди.

Мухтарам дўстлар! Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг пахтачилик соҳасида етакчи мамлакатлардан бири сифатидаги обрўйи ва нуфузи тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 50 га яқин давлатдан дунё бозорида ном қозongan 1000 дан зиёд йирик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этиб, деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган пахта толасига, авваламбор, унинг юксак сифатига катта қизиқиш билдиргани ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзбекистонда қайта ишланган эди. Утган қисқа даврда бу борадаги кўрсаткич 6 барбардан зиёд кўпайгани ҳамда бугунги кунда 44 фоизни ташкил этиб, чет мамлакатларга сотилаётган пахта толасига яна қўшимча қиймат қўшишга имконият яратилгани шу йўналишда узоқни қўлаб олиб бораётган ишларимизнинг амалий самарасидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда пахтачиликдан олинадиган ялли даромад ўтган йилга нисбатан 12 фоиз ёки 400 миллиард сўмдан ортиши кўтилмоқда. Бу йил пахта хомашёсини юқори сортларга сотишнинг ўзинда фермер хўжалиқлари 200 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромад олишга муваффақ бўлиши. Бунинг ҳисобидан биз деҳқон ва фермерларимизнинг, қишлоқ ахлининг даромадларини оширишга, қўзлаган эзгу марраларимизга етиш, эл-юртимизни янада обод ва фаровон бўлишига эришамиз, иншоолло.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Мана шундай хурсандчилик кунларда барчангизни мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган катта меҳнат ғалабаси билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Эл-юртимиз, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!

Яратганимизнинг ўзи бarchамизга доимо мададкор бўлсин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ МЯЛИКГУЛИЕВИЧ БЕРДИМУХАМЕДОВНИ «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта

хизматлари, тинчликни таъминлаш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун

Туркменистон Президенти Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедов «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2014 йил 22 октябрь

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тақдирини 23-24 октябрь кунлари расмий ташир билан ушбу мамлакатда бўлди.

Таширнинг асосий воқеалари 24 октябрь куни бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак, тил ва урф-одатлари ўхшаш. Икки халқ азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

Аждодларимизнинг илмий, маданий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулкидир. Ҳеч бир муболагага айтиш мумкинки, Туркменистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари катта қизиқиш билан мутолаа қилинади ва тадқиқ этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда аввало икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва самимият муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу галги Ашхобод учрашуви олий даражадаги самарадор ва фаол мулоқотларнинг мантикий давоми бўлди.

Президентларнинг очиқлик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинган экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашув давомида муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқинлиги қайд этилди.

Бу, айниқса, Афғонистон масаласига муносабатда ёрқин намоен бўлади. Ўзбекистон ва Туркменистон Афғонистоннинг яқин қўшилари сифатида темир йўللар ва кўприклар барпо этиш, муҳим инфраструктура объектларини тиклаш, электр энергияси ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириб, бу орқали мазкур мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Дунёнинг турли минтақаларида вазият шиддат билан ўзгараётган, воқеалар ривожини олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатга келган, босқинчилик ва зўравонлик кенгайиб бораётган бугунги шароитда давлат раҳбарларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ҳавфсизликни таъминлаш масалаларидаги ҳамфироқлиги алоҳида аҳамият касб этди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов минтақада сув

ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, жумладан, трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда БМТнинг тегишли конвенцияларида белгилаб берилган халқаро меъёрларга мувофиқ иш тутиш, бундай объектларнинг лойиҳаларини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар ўзаро ҳамкорлик стратегиясини ривожлантириш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан позиция ва қарашларни ўзаро мувофиқлаштириб бориш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга қаратилган.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2013 йилда 353,9 миллион АҚШ доллари ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида 246 миллион долларга етди. Лекин, қайд этилганидек, томонларнинг имкониятлари бу рақамлардан анча юқори.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси савдо ҳажмини ошириш, сармовий ҳамкорликни кенгайтиришнинг янада самарали чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари муҳим йўналишлардан биридир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркменистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим муҳим геостратегик аҳамиятга эгадир.

Ушбу ғоянинг ҳаётга татбиқ этилиши Марказий Осиё давлатларини Яқин Шарқнинг иқтисодий фаол кўрφαзларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради. Бу келгусида божхона соҳасида, автомобиль, темир йўл ва денгиз транспорти орқали юк ташини ва транзит қилишда қулайликлар яратилишига йўл очади.

Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, қўшма лойиҳалар сармовий ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этади.

Экспертларнинг фикрича, лойиҳа ижроси якунига етгач, бошқа мамлакатлар ҳам ундан фойдаланишдан манфаатдорлик билдиради. Бу лойиҳанинг жозибадорлигини янада оширади.

Иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларидан яна бири энергетика соҳасидир.

### САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА БИЗ НИМАЛАРГА ЭРИШДИК!

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ёшларнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайиши учун тўқис шарт-шароит яратилиши тарафдоридир!

Болалари соғлом оила хотиржам турмуш кечириши. Фарзандларини боғчага, мактабга саломат кузатган ота-она беҳавотир ишга боради. Болаларидан кўнгли тўқ бўлиб, меҳнат қилади.



▶ Давоми 2-бетда.

### ЎЗХДП маҳаллий кенгашларига

Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси тобора қизгин босқичга кўтарилмоқда. ЎЗХДП Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида сайловда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш вазифалари муҳокама этилди.

## Муносиблар орасидан муносиблар

танлаб олинди ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилди

▶ Давоми 2-бетда.

▶ Давоми 3-бетда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Муносиблар орасидан муносиблар

танлаб олинди ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилди

— Сиёсий партиялар ҳар беш йилда жиддий синовдан ўтади, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Мўътабар Каримова. — Партияимизнинг шахар, туман кенгашлари халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига ҳар томонлама муносиб номзодларни тавсия этди.

Сиёсий имтиҳондан қанчалик муваффақиятли ўтишимиз вакиллик ҳокимиятига қандай номзодни кўрсатишимизга ҳам боғлиқ. Биз бу масалага жиддий эътибор қаратиб, муносиблар орасидан 57 нафарини танлаб олдик ва уларни халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 57 та сайлов округи бўйича депутатликка номзод этиб кўрсатяпмиз. Бугун биз ана шу қароримизни сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этиб, тасдиқлаб оlishимиз зарур.

— Сайловчилар ҳам, депутатликка номзодлар ҳам, қолаверса, сиёсий партиялар ҳам жиддий имтиҳон арафасида турибди, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Ақром Иномов. — Бу имтиҳондан қандай ўтишимиз, аввало, ҳар биримизнинг фаоллигимизга боғлиқ. Шу ўринда савол туғилади. Бизга қандай депутат керак? Ёки кимлар, қандай кишиларга ишонч билдириб, депутатликка сай-

лаганимиз маъқул? Кимлар депутат бўлишга маънан ҳақли-ю, кимлар бу номга муносиб эмас? Муносибларни номуносиблардан қандай фарқласа бўлади? Сайлов куни қайси номзодни қўлаб овоз берсак янглишмаймиз? Бу каби саволлар партия фаоли, қолаверса, сайловчи сифатида ҳар биримизни ўйлантириши табиий. Ахир сизу биз бугун номзодни кўрсатаётган фуқаро эртага депутат этиб сайланса-ю, қандай яшаётганинг, худудингда учраётган муаммолар билан қизиқмасе. Бу ҳолни бирон бир тарзда оқлаш мумкинми? Шу боис биз депутатликка номзодларни фаол ва ташаббускор, элнинг гамини ейдиган, ҳар қандай шароитда одамлар билан елкама-елка турадиган кишилар орасидан танлашимиз керак.

— Эндиги сайловлар олдингиларидан анча фарқ қилади, — деди халқ депутатлари Жиззах туман Кенгаши депутати Имомберди Бердиев. — Чунки бугун демократик жараёнлар тобора



чуқурлашиб, фуқаролик жамияти ривожланиб борапти. Одатда сайловчи сайловнинг тақдирини ҳал қилади. У бугун кимни депутат этиб сайлашни, ўз овозини қайси номзодга беришини яхши билади. Унинг мустақил қарашлари, эътироф ва эътирозлари ҳам бўлиши табиий. Шундай экан, сайловчилар ишончини қозониш учун номзодлар билан бирга партияимизнинг ҳар бир бошланғич ташкилоти, ҳар бир фаоли жиддий кураш олиб бориши керак.

Вилоят кенгаши депутатлигига номзодлар, уларнинг салоҳияти, ишчанлик қобилияти, ташкилотчилик ва ташаббускорлик имкониятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар алмашиш давом этди ва муносибларнинг орасидан мурисибларини номзод этиб кўрсатиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилинди. Пленумда сайлов кампанияси жараёнида яна бир муҳим қадам қўйилгани, сайловлардаги иштирокимизнинг ҳал қилувчи босқичи бошланаёт-

гани таъкидланди. Бу эса партиянинг шахар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари, партия аъзолари ва фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Сайловларга санокли кунлар қолаётган ҳозирги шароитда бу ишлар жуда муҳим, фоят зарурлигини партиянинг ҳар бир фаоли чуқур англаб олиши зарурлиги таъкидланди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сайловдан сайловгача биз нималарга эришдик?

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Кенг қўламли умуммиллий дастурлар доирасида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақон миқёсида тан олинаётгани, Ўзбекистон тажрибаси ўрганилаётгани ҳаммамизга маълум. Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни, таъсирини янада кучайтириш долзарб вазифалар қаторида белгиланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ёшларнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайиши учун тўқис шарт-шароит яратилиши тарафдоридир!

Жорий йил давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик тузилмалари Давлат дастури ҳамда партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бу борада талай ишларни амалга оширди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари ташаббуси билан сессияларга қатор масалалар киритилди. Натижада, болалар спортини ривожлантириш, уларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишлари борасида соҳадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

қиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Натижада туманда мавжуд 18 та умумий ўрта таълим мактабларининг спорт заллари, очик спорт майдони ва майдончаларида спорт тўғрисида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бу борада талай ишларни амалга оширди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари ташаббуси билан сессияларга қатор масалалар киритилди. Натижада, болалар спортини ривожлантириш, уларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишлари борасида соҳадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

Соғлом авлодни вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва масъулияти қанчалик катта экани ҳаммага маълум. Шу боис «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, малякали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтиришга оид қатор вазифалар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг август ойида халқ депутатлари Наманган вилояти Уйчи туман Кенгашидаги ЎзХДП партия гуруҳи ташаббуси билан «Болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасида мавжуд врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш тўғрисида»ги масала халқ депутатлари Уйчи туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди.

Масала ЎзХДП гуруҳи томонидан жойларга чиқиб ўрганилганда, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар етарли эмаслиги кўзга ташланди. Жумладан, қурилганга кўп йиллар бўлган, авария ҳолатидаги Соёқ ҚВПни таъмирлаш ишлари тегишли дастурларга киритилмаган. Шунингдек, малакали кадрларга эҳтиёж сезилаётгани ҳам маълум бўлди.

Масала халқ депутатлари Уйчи туман Кенгаши сессиясига киритилганда сўнг, сессия қарорига асосан, туман ҳокимининг ўринбосари, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан туман аҳолиси, шу жумладан, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Бу борада олиб борилаётган ишлар тизимли бажарилиши устидан депутатлик назорати ўрнатилди.

Гулруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП партия гуруҳи ташаббуси билан масала сессия кун тартибига киритилди ва ечим юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мисол учун, халқ депутатлари Жиззах вилоят Янгиобод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан «Болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисидаги масала жорий йилнинг февраль ойида халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгаши сессиясида муҳофаза этилди.

Масалани ўрганиш натижасида, туманда болалар спортини ривожлантириш, спорт мусобақаларига тайёр-гарлик кўриш ва унда ёшлар иштирокини таъминлаш, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, касб-хунар коллежлари томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар етарли эмаслиги аниқланди. Хусусан, тумандаги таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига жалб этиш, мусобақаларни мунтазам ва самарали ташкил этиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ишларига ота-оналар ва жамоатчилик эътиборини кучайтириш ишлари талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Сессияда қабул қилинган қарорда соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокими ўринбосарларига тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда спортни оммавийлаштириш ҳамда ривожлантириш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чи-

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВ — 2014

Аёл номзодларга ишонч ортмоқда

Сўнгги йилларда дунёнинг қатор ривожланган мамлакатлари, хусусан, Япония ва Жанубий Кореяда давлат идораларининг энг юқори вазифаларида хизмат қилувчи аёллар сезиларли даражада кўпайди. Вакиллик органларига сайловларда ҳам хотин-қизлар номзодларини қўллаб-қувватловчилар, уларга ишонч билдирувчилар ортиб борапти. Ўзбекистонда ҳам бунинг ёрқин мисолини кўриш мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуна кўра, хотин-қизлар сонини сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозим. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида бундай меъёр биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинган. Ушбу қоида жорий қилинганидан кейин бўлиб ўтган сайловларда аввалги сайловга нисбатан икки ярим баравар кўп хотин-қиз парламентар депутат этиб сайланди.

Таҳлиллар асосида фикр юритилган бўлса, сиёсий партиялар кўрсатадиган 135 нафар хотин-қизлардан иборат бўлиши керак. Агар ушбу талаб бажарилмаса, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловга тақдим этаётган номзодлар рўйхатини қабул қилмаслиги ҳам қонунда алоҳида белгиланган.

Демак, хотин-қизлар орасидан депутатликка муносибларини аниқлаб, улар номзодини кўрсатиш сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди. Негаки, хотин-қизларни сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, қонуналар ва қарорлар қабул қилишда уларнинг иштирокини фаоллаштириш учун аввало аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш лозим. Хўш, депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши шартлиги тўғрисидаги қону-

ний меъёрнинг аҳамияти, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, вакиллик ҳокимиятида иштирокини мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақида нима дейиш мумкин?

— Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда қаратилган мазкур қоидалар мамлакатимизда демократик тамойиллар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини кўрсатади. Бунда сайлов қонуничилигига киритилган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга бўлди ва мазкур меъёрлар туфайли хотин-қизларимиз ижтимоий-сиёсий илохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Масалан, 2009 йилги сайловларда парламентимизнинг куйи палатасига 33 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланди. Бу депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этади.

Айни кунда партияимиз жами 400 минг аъзосининг 177 минг нафардан ортигини аёллар ташкил этаётгани ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги тобора ошиб бораётганидан далolat беради. Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партияимиздан 8 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ

депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 43, туман ва шаҳар Кенгашларида 384 нафар хотин-қиз депутат сифатида фаолият юритаётгани вакиллик ҳокимияти, сиёсат майдонида ҳам хотин-қизларнинг ўз ўрни борлигини аёллар номзодлигини қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Жорий йил охирида бўлиб ўтадиган сайловларда ҳам ана шу юқори кўрсаткични мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар тайёрлаш ишларини қизгин олиб бораётибди. Албатта, бу жараёнда аёл номзодлар кўрсатиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Жойларда хотин-қизлар билан ўтказилаётган тадбирларимизда сайлов қонуничилиги кенг тўшунтирилмоқда. Шунингдек, депутатликка номзоди кўрсатилган аёллар билан ишлаш, уларни сайловда рақобат жараёнларига тайёрлаш, сай-

латли вакилларини тайинлашда ҳам фаол аёлларни кенг жалб этиш, уларнинг бу борадаги вазифалари бўйича тўшунтириш ишлари олиб боришмоқда.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов кампаниясида яратилган барча ташкилий-ҳуқуқий имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда сайловга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Мисол учун, хотин-қизлар орасидан депутатликка номзодларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобоҳонов. — Чунки хотин-қизлар ҳам ошқора сайланадиган органларга сайловга қатнашиши шакллантиришда иштирок



амалга оширишда иштирок

Ушбу қоида жорий қилинганидан кейин бўлиб ўтган сайловларда аввалги сайловга нисбатан икки ярим баравар кўп хотин-қиз парламентар депутат этиб сайланди.

ловчилар билан учрашувларни юқори савияда ташкил этиш ҳамда сайловда дастурларни пухта ва мукамал ишлаб чиқиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Сайлов кампанияси даврида уларни самарали амалга оширишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Бундан ташқари, сайловларда иштирок этадиган партиянинг кузатувчиси ва вако-

латли вакилларини тайинлашда ҳам фаол аёлларни кенг жалб этиш, уларнинг бу борадаги вазифалари бўйича тўшунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ҳозирги пайтда пойтахтимизда жами 34 минг нафардан ортик партия аъзосининг 21 минг 511 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Биз уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кучайтириш, сиё-

сий-ҳуқуқий билимини, ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди. Масалан, «Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш масаласига бағишланган семинар ташкил этдик. Бу хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, аёллар орасидан етакчилик салоҳиятига эга бўлганларни аниқлаш ва уларни депутатликка номзод сифатида тайёрлаш, партия дастурий мақсадлари тарғиботини янада кучайтиришга кенг йўл очди.

— Бугун жамиятнинг бирор соҳаси йўқки, унда хотин-қизларнинг иштироки бўлмаса. Конституцияимизнинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиқлар» деб белгиланган, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицей директори, ЎзХДП аъзоси Фоғур Эшмонов. — Асосий қонунимизда ўз аксини таъминлаш мақсадида хотин-қизларнинг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, касб-хунар коллежлари томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар етарли эмаслиги аниқланди. Хусусан, тумандаги таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига жалб этиш, мусобақаларни мунтазам ва самарали ташкил этиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ишларига ота-оналар ва жамоатчилик эътиборини кучайтириш ишлари талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги изчил олиб бормоқда. Булажақ сайловлар бунча яна бир намоён этади, дейишга тўла асос бор.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

# ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистонда углеводород ресурсларининг йирик захиралари мавжуд, лекин икки мамлакат ҳам жаҳон бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга эмас. Бундай шароитда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик яхши самара беради. Бунга муваффақиятли амалга оширилган ва мамлакатларимизга табиий газ экспорти йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой транзитий газ қувури лойиҳаси яққол тасдиқ бўлади.

Музокарада қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг салоҳиятини намойиш этишга, тадбиркорларнинг бевосита мулоқотлари учун янги имкониятлар очишга хизмат қиладиган миллий кўргазмаларни ташкил қилиш аънасини изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида мада-

ний-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказилган турли концертлар, фестивал ва кўриқлар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда.

Келишувга биноан бундан буён ҳам иккала мамлакатда ташкил этиладиган маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намоёндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади. Рассомлар асарлари кўргазмаларини, хунармандлик маҳсулотлари ярмаркаларини, мусиқа ва театр жамоаларининг ижодий сафарларини ташкил этиш давом эттирилади.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. «Буюк ипак йўли» сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинацияланган савоҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тарихи миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов Қўшма баёноти имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари етказиб беришга, ташқи саноат маҳкамалари ва савдо-саноат палаталари ўртасидаги муносабатларга, экология соҳасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ўшбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамият-

га молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиклик, ўзаро англашув ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серкирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Саммитнинг асосий воқеалари ниҳоясига етгач, давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлди. Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланди. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик» ордени тошйирилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислам Каримов «Halk hakydasy» («Халқ хотираси») хотира мажмуига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида ҳамда Гўктепа жангида (1880-1881й.) ҳалок бўлганлар, Ашхобод зилзиласи (1948 й.) қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди. Ислам Каримов ўшбу воқеалар ҳақида хикоя қилувчи музеей экспонатлари билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдири.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи якунига етди. Ашхобод музокаралари ва эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидаги собитлик билан бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Анвар БОБОЕВ, Ўза махсус мухбири. Тошкент — Ашхобод — Тошкент.

## 24 ОКТЯБРЬ — БМТ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

Пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кунга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Анжуманда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг тараққий этган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги изчил ривожланаётгани, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда юксак натижаларга эришмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар мамлакатимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётган.

Жорий йилда ўзаро муносабатлар янги мазмун билан бойиди. БМТнинг қатор таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда мамлакатимизда «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» ҳамда «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳираларини мавзуларидаги халқаро конференциялар, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилди.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш,

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, — деди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. — Ўзбекистон иқтисодийи барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бормоқда. БМТ Ўзбекистоннинг барча соҳаларни тараққий эттириш борасидаги ташаббуслари ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги татбиқ этилаётган дастурлар мамлакатимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётган.

Жорий йилда ўзаро муносабатлар янги мазмун билан бойиди. БМТнинг қатор таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда мамлакатимизда «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» ҳамда «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳираларини мавзуларидаги халқаро конференциялар, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилди.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш,

Н.МАНЗУРОВА, Ўза мухбири.

### БАНДЛИК

Жойларда ўтказилаётган бўш иш ўринлари Меҳнат ярмаркалари ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Улардан бири яқинда Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида уюштирилди.

### Коллеж

### битирувчиларидан

#### 100 нафарга яқини иш билан таъминланди

— Туман ҳокимлиги, прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда бугунга қадар 4 марта меҳнат ярмаркаси ташкил этилди, — дейди **ЎзХДП Олтинсой туман кенгаши раиси Рўзибой Лапасов**. — Бундай хайрли ишлар ўз натижасини бермоқда. Ўтган 9 ойда 3 миң 200 га яқин кишининг бандлиги таъминланган бўлса, уларнинг 90 фоизга яқинини электротизим вакиллари бўлган хотин-қизлар ва ёшлар ташкил қиладди. Бугунги меҳнат ярмаркасида 98 нафар коллеж битирувчиси ўз касби бўйича ишга жойлашди. Илгир хитирганча яна 2 марта ярмарка ўтказиш режалаштирилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### РЕКЛАМА

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 27 ноябрь куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш

тартибдаги очик аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 105-уйда жойлашган «O`ZINTERIMPEKS» АЖ балансидаги 2002й. и/ч, д/р 01/538GDA, бошлангич нархи 33 551 000 сўм бўлган «ОПЕЛЬ ОМЕГА» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш расмий иш кунларидан мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закатал пулти «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йилгирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатал пули миқдо-

### РЕКЛАМА

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO»

### масъулияти чекланган жамияти

2014 йил 13, 18, 20 ва 25 ноябрь кунлари бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш

тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади

Очик аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қайта қўйилмоқда:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Аукционга қўйилаётган объект бошлангич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«ANDIJON CHARM» МЧЖ	Андижон вилояти, Олтинқул тумани, Оқтепа қишлоғи	Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6 003 004 740,0	2 943 226,49
2.	«SOGDIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй	Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш	3 145 245 000,0	1 542 089,14
3.	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Заводская кўчаси, 1-уй	Гранит ва мрамор плиталар ишлаб чиқариш	5 790 000 000,0	2 838 791,92
4.	«XUMO TO`QIMACHSI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шох кўчаси, 2-уй	Ип-калага ишлаб чиқариш	10 454 271 000,0	4 747 194,17
5.	«POYTEKS» МЧЖ	Самарқанд шаҳри, Трудовая кўчаси, 4-уй	Эркалар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланадиган боғлам материаллари ва тиббий бинтлар ишлаб чиқариш	1 940 000 000,0	850 772,71

#### Очик аукцион шартлари:

Аукцион голиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шартли билан сотилади.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчигига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчигининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

✦ **юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ **жисмоний шахслар учун** — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закатал ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «Andijon charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ, «PoYTEKS» МЧЖдаги улушлар бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «Xumo to`qimachsi» МЧЖдаги улуш бошлангич баҳосининг 3 фоизи миқдоридagi закатал пуллари «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: 20208000704923918001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида маз-

кур эълон чиққан кундан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиши мумкин.

Очик аукцион белгиланган кунлари соат 11:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис залли) манзилида бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 101-уй; телефон (0-371) 234-11-22, 234-15-60.; телефакс: (0-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (0-371) 233-02-49; телефакс: (0-371) 233-23-40, электрон почта: TLUAS\_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини

## Осойишталик посбонлари шарафланди

Кеча ИИБ Маданият саройида Ички ишлар идоралари ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда вазирилик ходимлари, фахрийлар, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ҳамда меҳмонлар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Аҳмад Аҳмедбаев ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийларини байрам билан муборакбод этар экан, ҳукуматимиз ва халқимиз томонидан ички ишлар идоралари ходимларининг самарали хизмати муносиб баҳолалиб, юксак эътироф этилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ички ишлар идоралари ходимлари ҳам бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жаноҳлиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш билан бирга аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида кенг қўлмали ишларни амалга оширмоқдалар. Ўз хизмат вазибаларини шараф билан адо этаётган соҳа ходимлари муносиб тақдирланмоқда. Маълумки, ҳар йили касб байрами арафасида Президентимиз мамлакатимизда жамоат ҳафсизлиги, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимларини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекади.

Бу йил ҳам 35 нафар ички ишлар идоралари ходимлари Ватанимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлишди. Байрам тадбирида мукофотлар тантанали равишда ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, эл-юрт осойишталигини таъминлаш борасида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимлари вазириликнинг «Аъло хизматлари учун» кўркак нишони, Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Тантанали тадбир якунида вазирилик ашула ва рақс ансамбли иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



# Паралимпиячиларимиз ғалабалари

**Инчон (Жанубий Корея)да ўтказилган ёзги ПараОсиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари йигирма иккита олтин, бешта кумуш, тўртта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида қирқ бир давлат вакиллари орасида кучли бешликдан жой олдилар.**

Бундай нуфузли ва йирик спорт байрамида иккинчи мартаба иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари Ватанимиз шайни янада улуглаб, овоз ва обод юртимизда Паралимпия характери жадал суръатларда тараққий этиб бораётганлигини амалда яна бир бор исботладилар. Бундан тўрт йил муқаддам Гуанчжоу (Хитой)да ўтказилган Пара-

нафар спортчимизнинг деярли барчаси голиб ва совриндорлар сафидан жой олдилар. Айниқса, мусобақалар давомида ҳамюртларимиз ўн икки бор Осиё рекордини янгилашга ҳам муваффақ бўлганлиги алоҳида эътирофга лойиқ.

Яна бир жиҳати, мазкур ПараОсиё ўйинларида иштирок этган давлатлар орасида делегация таркибидан ўрин

олган сузиш ва дзюдо баҳсларида ҳамюртларимиз чинакам матонат ва маҳорат кўрсатганликларини хабар қилгандик. Жумладан, сузиш бўйича вакилларимиздан Кирилл Паньков тўртта, Дмитрий Хорлин учтадан олтин медалга сазовор бўлди. Дзюдочиларимиз эса жами 9 (7 олтин, 1 кумуш, 1 бронза) медални қўлга киритди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори паралимпиячиларимизнинг замонавий метёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва муносиб иштирок этиши учун қўлай шарт-шароит яратилганлиги ПараОсиё ўйинларида кўлга киритилган ютуқларимизга замин яратди.

Ёзги ПараОсиё ўйинлари низомига кўра, мусобақанинг голиб ва совриндорлари 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган ёзги Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шу боис барча учрашувлар янада шиддатли ва кескин курашлар остида кечди.

Енгил атлетика баҳсларида ҳам вакилларимиз мусоба-



қаларга пухта ҳозирлик кўрганликларини намоиш қилишди. Охирги икки кунда енгил атлетикачиларимиз жами 15 (8 олтин, 4 кумуш, 3 бронза) та медал билан тақдирланди.

Мусобақанинг 400 метр масофага югуриш баҳсларида Фахриддин Ҳамроев маррага биринчи бўлиб етиб келди. У белгиланган масофани 00:50:19 сонияда босиб ўтди ва бир йўла ҳам Осиё, ҳам ПараОсиё ўйинлари рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Кувонарлиси, бу Фахриддиннинг ПараОсиё ўйинларида кўлга киритган тўртинчи олтин медалидир. У бунга

қадар 200 метр, 800 метр ва 4x100 метрга эстафета югуриш баҳсларида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эди.

Ҳамюртларимиздан Маъруфжон Муродиллаев, Улғубек Чориевлар эришган ғалабалар шарафига ҳам давлатимиз мадҳияси янграб, юртимиз байроғи юқори кўтарилди.

Шунингдек, кеча ўтказилган мусобақаларда Миран Саҳадов кумуш медалга сазовор бўлди. У бир кун аввал биттадан олтин ва кумуш медални (4x100 метр ва 200 метр масофага югуриш) қўлга киритган эди. ПараОсиё ўйинларида яна бир

енгил атлетикачимиз Сирожиддин Норов 800 ва 1500 метрга югуриш бўйича иккита бронза медал билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз паралимпиячиларининг бу муваффақияти баъзан уларга нисбатан қўлланиладиган жисмоний имконияти чекланган инсонлар деган ибора бугунги кунга келиб ўз кичини йўқотганлигини, аксинча, улар ўз ғалабалари билан аслида инсон имконияти чексизлигини намоён этишга қодир эканликларини амалда яна бир бор исботладилар.

**Эркин ХОЛБОБО,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ШОҲМОТ

### Тошкент FIDE Гран-присида кучлилар сараланмоқда

Шу кунларда пойтахтимизда эркаклар ўртасида FIDE Гран-приси иккинчи босқич баҳслари қизгин давом этмоқда.

Мусобақанинг учинчи турда турнир пешқадами французлик Максим Вашье-Лаграв кетма-кет икки ғалабадан сўнг, қора доналарда озарбайжонлик Темур Ражабов билан дуранга эришди.

Илк учрашувда ҳамюртимиз Рустам Қосимовнинг россиялик Дмитрий Яковенко билан дуранг ўйнаганлигини хабар қилгандик. Кейинги икки партида гроссмейстеримиздан омад юз ўғирди. Рустам иккинчи турда Максим Вашье-Лагравга, навбатдаги баҳсда эса грузиялик Баадур Жобавага имкониятни бой берди.

Учинчи турнинг қолган партиаларида Сергей Карякин — Дмитрий Яковенко (иккиси ҳам Россиядан) — 1-0, Шахрияр Мамадияров (Озарбайжон) — Борис Гельфанд (Исроил) — 1-0, Теймур Ражабов (Озарбайжон) — Максим Вашье-Лаграв (Франция), Хикару Накамура (АҚШ) — Аниш Гири (Голландия) ҳамда Каруана (Италия) — Андрейкин (Россия) жуфтликлари учрашувида эса дуранг қайд этилди.



Кеча мусобақанинг тўртинчи турда ҳамюртимиз Рустам Қосимовнинг россиялик Дмитрий Андрейкинга қарши қора доналарда баҳс юритди.

Қолган жуфтликларда эса Гельфанд — Яковенко, Вашье-Лаграв — Карякин, Жобава — Ражабов, Гири — Каруана, Мамадияров — Накамура ўзаро куч синашдилар.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**  
ЎзДЖТУ талабаси.

**Охирги икки кунда енгил атлетикачиларимиз жами 15 (8 олтин, 4 кумуш, 3 бронза) та медал билан тақдирланди.**

Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медал билан кифояланган эди.

Этиборлиси, ПараОсиё ўйинларида иштирок этган 27

эгаллаган спортчилар сонидан кўп медалга фақатгина Ўзбекистон (27 спортчи — 31 медал) ҳамда Хитой (226 спортчи — 317 медал) вакиллари эгаллик қилдилар.

Мусобақа дастуридан жой

## РЕКЛАМА

### Qishloq Qurilish Bank

Мамлакатимиз иқтисодийтини ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Биргина АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Хива филиали томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, хусусан, замонавий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, илгор банк технологиялари ва мослашувчан тарифларнинг қўлланилиши, бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олиниб иш юритилиши туфайли кўплай корхоналарнинг фаолияти ривожланмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда.

### Корхонамиз фаолияти кенгайди

Натижада янги иш ўринлари яратилди

Мен ҳам яхши ниятда «Хива Гефест» хусусий корхонасини ташкил этдим. Авваламкор хива аъзолари билан бирга аҳолига сут ва сут маҳсулотларини етказиб бера бошладик. Махсулотга бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги ва уни қондиришда замонавий технологияларга бўлган зарурият иш фаолиятимизни кенгайтириш ва ривожлантиришни таъқозо этди.

Дастлаб тижорат банклариде тадбиркорларга акратиладиган кредитларнинг миқдори, фоизлари, муддатлари тўғрисидаги маълумотлар билан қизикдим. Менга АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Хива филиали томонидан тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган хизматлари ва билдирилаётган ишончи жуда маъқул бўлди.

Банк ходимлари кредит олишда керак бўладиган ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумотлар ҳамда ишни тўғри ташкил этиш бўйича зарур маслаҳатлар беришди. Тез кунда корхонамиз фаолиятини ривожлантириш борасида бизнес-режамизни тайёрлаб, банкка ариза билан мурожаат қилдик.

Лойиҳамиз қисқа фурсатда ўрганилиб, корхонамизни кенгайтириш мақсадида қўшимча ишлаб чиқариш биносини ҳамда замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳларини сотиб олишимиз учун 2012 йилда 80 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. 2013 йилда фермер ҳужжаликларидан олинмаган сут маҳсулотларини сақлаш мақсадида Грециядан қозонлар сотиб олинди учун 110 миллион сўм, сут маҳсулотларини ташиш мақсадида юк автомашинаси сотиб олиш учун эса жорий йилда 100 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Бунинг на-



тижасида ишлаб чиқариш ҳажми орди, миқдоримиз сони янада кўпайди. Ҳозирда Хива туманида жойлашган 21 та мактабгача таълим муассасаларидан 15 тасини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқдамиз.

Агарда қилган ишларимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, жорий йил бошидан шу кунгача 25,0 миллион сўм соф даромад олишга эришдик. 9 та қўшимча иш яратилиб, янги ходимлар ишга қабул қилинди. Шулардан 4 нафари коллеж битирувчисиدير.

Ҳозирда яна янги лойиҳалар устида ишланмоқдамиз ва албатта уларни амалга ошириш учун «Қишлоқ қурилиш банки»га мурожаат қиламан. У бизга ўхшаш ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишончли ҳамкорига айланган.

**Аминбой ВАЙСОВ,**  
Хива туманидаги «Хива Гефест» хусусий корхонаси раҳбари.

### «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти

2014 йил 27 ноябрь, 4, 11, 18 декабрь кунлари

бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очик аукцион савдоларига «AGROBANK» акциядорлик тижорат банкнинг куйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз улуши кўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога кўйилаётган улушнинг бошлангич баҳоси, сўм
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	
1	«KOKAND MILK QUALITY» МЧЖ	Фарғона вилояти, Кўкон шаҳри, Парпашабоб кўчаси, 273-уй.	Сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш	4 100 000 000,0

#### Очик аукцион шартлари:

Аукцион голиб олиш учун сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш нархининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунча қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 5 (беш) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сўғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчиси тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### Аукционда иштирок этиш учун талабгор куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

❖ **юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ **жисмоний шахслар учун** — паспорт (истиқомат гувоҳнома) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ **аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.**

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога кўйилаётган улуш бошлангич нархининг 15 фоизи миқдоридеги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланиши шарт.

Ушбу банк улуши сотилаётган корхона билан унинг юқориде кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Очик аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амр Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис зал) манзилида бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**  
**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй; телефон: 150-85-23, 277-42-44; телефакс: 150-53-95.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амр Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2014 йил 9 октябрь куни ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «КО'КНА ТЕКСТИЛ» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши 62 295 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

**MUASSIS:**  
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZI KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

#### TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla Oripov	Ulug'bek Mustafoyev	Saidahmad Rahimov
Hotamjon Ketmonov	Mustahiddin Muhiddinov	Farrux Hamroyev
Ulug'bek Vafoyev	Muhiddinov	Farrux Hamroyev
Rustam Kamilov	Muhiddinov	Farrux Hamroyev
Sharbat Abdullayeva	Ochilboy Ramatov	Tat'yana Kistanova

Qabulxonа — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059 11315 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 02.10 Topshirilgan vaqti — 02.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbahuro: Obiddin MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

